

Мардлар қўриқлайди Ватанини!

Ўтган 2009 йил фарғоналиклар учун гоёт муваффақиятли бўлди. Иқтисодиёт юксалди. 90 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Янги sanoat korxonalari qurib ishga tushirildi. Kollejlar, maktablar shahar-qishloqlar xususiga xusn kushdi. Dehqonning ham mehnati samarasidan kunгли tuldі. Xosil bayrami utkazilib, katta uloq tashlandi. Bayramlar tuylariga, tuylar muhim voqealarga ulanib ketdi. Bugun bunday manzarani mamlakatimizning barcha shaharu qishloqlarida kuriш mumkin.



ВАТАН... чегарадан бошланади



Бу ютуқларнинг асосий омилі юртимиз тинчлиги, халқимиз бир-дамлигидадир. Юрт тинчлиги, халқ хотиржамлиги эса шарафли ва масъулиятли касб эгалари бўлган аскарлар зобитларга, айниқса, Ватанимиз сарҳадларини кечаю кундуз хушёр ва зийрак туриб қўриқлаётган довурак фарзандларимизга боғлиқ.

таётган айна соатларда ҳам мард чегарачилар қўлда қурол, қалбда Ватан меҳри билан ўз бурчларини адо этаётдилар.

лади, бутун юртимиз осойишталигини сақлашга ҳисса қўшаётганимдан фахрланиб кетаман. Акмал билан суҳбатлашар эканмиз, унинг кўзларида ўзгача қатъийлик ва гурур акс этади.

— 2010 йилда мuddatli хизматни тугатиб, Тошкент Олий қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман, — дейди Акмал.

У хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ёшларга ибрат бўлаётган зобитлар оз эмас. Катта лейтенант Умрбек Кўчқоров ана шундай ватанпарварлардан биридир. У Хоразмнинг Шовот туманидан. Мuddatli ҳарбий хизматни ўтаб, келгусида чегара қўшинларида қолишни ният қилди. Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугатгач, Фарғонага юборилди. Ҳозир у вазов командири. Чегарада чегарабузарларни ушлашда кўрсатган мардлиги учун мамлакатимиз Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан мукофотланди.

— Оилада етти фарзанд эдик. Ота-онам чегарачи бўлишимни маъқулладилар, улардан дуо олиб шундай масъулиятли ва фахрли вазифани ўтамоқдаман, — дейди Умрбек. — Ортимизда Ватан турганини, унинг равақи, халқимиз турмуши фаровонлиги менга, биз чегарачиларга боғлиқ эканини бир лаҳза ҳам унутмаймиз. Белгиланган хурудадало, хушёр ва садоқат билан хизмат қилаяпмиз.

Айтиш жоизки, чегара қўшинлари Н-қисмида чегарачилар яшаши, ўқиб-ўрганиши, дам олиши учун бarcha шароитлар яратилган.

— Чегара қисмида шoir-ёзувчилар, таниқли санъаткорлар, машҳур кишилар тез-тез келиб туришади, — дейди тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари Мусо Матниёзов. — Мақсадимиз зобит ва аскарларда ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш.

— Халқимиз Янги йилни тинч ва хотиржам, катта орзулар билан кутиб олиши учун чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаймиз, — дейди Умрбек биз билан хайлашар экан.

Ҳа, қалбда Ватан гурури юксак, мард ва матонатли чегарачи ўғлонлар борлиги, уларнинг хушёрлиги халқимизнинг тинч, хотиржам яшашига кафолат беради.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


ҚУВОНЧИ, ЙИЛЛАР ОРЗУСИ

1. 2009 йил сизнинг ҳаётингизда қандай ўзгаришлар рўй берди?
2. 2010 йилда нималарни кутмоқдасиз?

Сардор РАҲИМҲОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— 2009 йил мен учун жуда омадли келди. Йил бошида Корейнинг Сеул шаҳрида Буюк ипак йўли фестивалида иштирок этдим. Шунингдек, муҳлисларимга ўзимнинг учинчи альбомимни тақдим этдим. Ноябрь ойида иккинчи яққалон концерт дастуримни намойиш этдим. Йилнинг мен учун қувончли воқеаси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганим бўлди.

— Келаётган 2010 йилда Ҳамдўстлик мамлакатларида ўзимнинг концерт дастурларимни уюштироқчиман. Муҳлислар қалбига йўл топадиган янги-янги қўшиқлар яратиш ниятим бор. Бу йилда энг асосий ишим — оила қуриш. Келаётган 2010 йил билан бarcha юрдошларимизни чин юракдан мубаракбод этаман.



Хулқар ТҲИМАНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири:



— Инсон ўз меҳнатини афроғдигиларнинг муносабатига қараб баҳолайди. Журналистика соҳасида анча пайтдан бери ишлаганим боис, минглаб муҳлислар орттирдим, бирон-бир муқофотга сазовор бўлсам керак деб ўйлардим. Аммо кутганимдан ҳам ортиқ бўлди — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонини олдим.

— Халқ таълими вазирлигининг нашри «Маърифат» газетаси ижодий жамоаси учун Барқамол авлод йилнинг ўзига хос алоҳида хусусияти бор. 2004 йилдан бошлаб Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида ҳам замонавий мактаблар бунёд этилди. Энди нафақат ташқи кўриниши, балки тички кўйфаси ҳам тубдан ўзгарган бу мактабларда барқамол авлодни вояга етказиш талаб қилинади. Ижобий ўзгаришлар янги 2010 йилда ўқиб ва ўқитишнинг янада чуқурлашувига замин яратади, деб ўйлайман. Бунда матбуот нашрларининг ҳам ўз ўрни бор.

Хушхабарлар

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

Тўрақўрғон туманида намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қурилиши бошланди. Келажакда замонавий шаҳарча тусини оладиган аҳоли маскани учун Наманган — Тошкент автотрассаси ўтган Сайрам қишлоғидаги ўрикзор ҳудуди танланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ «Қишлоққурилишбанк»нинг имтиёзли кредити асосида пишиқ гиштдан қад ростлайдиган бир ва икки қаватли уйлар учун энг муқаммал лойиҳалар сараланган. Дастлабки қурилиш ишлари бошлаб юборилган 50 та уй гоёт шинам ва кўркам кўринишга эга бўлади.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Наманган туманининг Бешкапа қишлоғи аҳолиси Янги йил арафасида қурувчилардан ажойиб совға олди. Бу ерда қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Болаларни даволаш, физиотерапия, стоматология, аёллар тиббий маслаҳатхонаси, дорихона, лаборатория, эмлаш бўлимлари, шунингдек, беш ўринли кундузги стационарга эга янги шифо маскани «Саломатлик-2» лойиҳасига асосан энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги йил музбарақ, азиз юртовошлар!

«АСАКА»
банки (ОАЖ)
Қорақалпоғистон филиали жамоаси

Ўзбекистон халқини Янги — 2010 йил байрами билан самимий табриклайди. Янги йилда барчага бахт-саодат, тинчлик, орзу-ниятларининг рўёбини тилаймиз!

4544 BANK

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш буйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш мuddати
1	Самарқанд шаҳридаги Самарқанд вилоят давлат архивини реконструкция қилиш (қўшимча архив-сақлаш биноси қурилиши билан)	832 377 288 сўм	693 647 740 сўм	9 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобида молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридидаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки курсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда курсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги маълумат буйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш куни ва соатиғача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

СП ООО «START CAPITAL»

сообщает о том, что с 1 января 2009 года заканчивается срок реализации следующих видов лотерей:

- 1) мгновенная лотерея «Азия Лото — лестница Удачи», стоимостью 1 500 сум.
- 2) мгновенная денежно-вещевая лотерея «Азия Лото — Спринт», стоимостью 250 и 500 сум.
- 3) числовая лотерея «Азия Лото».

Выигрышные билеты по данным видам лотерей предъявляются к оплате в течение 3-х месяцев (до 1 апреля 2010 года) по адресу: г.Ташкент, Ц-13, дом 1, кв. 65-66. Тел. 8 (371) 241-50-07, 241-50-02.

По истечении данного срока выигрышные лотерейные билеты теряют силу, не оплачиваются и претензии по ним не принимаются.

Мустиқиллик мўъжизалари



ВАТАН МУСИҚАСИ ЖАҲОН БЎЙЛАБ ЯНГРАМОҚДА

1991 йил. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 2 нафар ўқувчиси халқаро кўриктанловлар совриндори бўлган.

2009 йил. Орадан ўн саккиз йил ўтиб, мазкур даргоҳнинг 50 нафар истеъдодли ўқувчи-талабалари хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро нуфузли фестивалларда мутлақ голиб бўлди.



Биргина 2008 йилнинг ўзидаёқ лицейининг ўсмирлар симфоник оркестри «Нихол» Давлат мукофотига сазовор бўлди. Сўнгги икки йил ичида эса унинг 74 нафар ўқувчи-талабаси Франция, Чехия, Буюк Британия, Руминия, Украина, Италия каби хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро кўрик-танловларда лауреатлар қаторидан ўрин олди.

Жорий йилда биргина Италияда, турли йўналишлардаги 8 та мусиқа фестивалида 4 та биринчи, 2 та иккинчи ва 2 та учинчи ўринлар кўлга киритилди. Айниқса, «Торли чолғулар ижрочилари», «Жузеппе Террачини» танловларида Мухриддин Сайфиддинов, Асқар Салимжоновлар скрипкада, Нодира Дадамухамедова, Иноят

хон Абдуллаева эса фортепианода ижро этган бетакор куйлар чет эллик мусиқа ихлосмандлар олқишига сазовор бўлди. Шу йилнинг ўзида Нодира Дадамухамедова Украинада ўтказилган «Индивидуалис» номли VII халқаро мустиқил мусиқа фестивалида 1-ўрин, Францияда эса 3-ўринни эгаллади. Асқар Салимжонов ҳам бир йўла учта, Киевда «XXI аср санъати», Москвада VI Халқаро ёш ижрочилар танлови ва юқорида таъкидлаганимиз Италияда шоҳсупанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Бундан ташқари, 2009 йилда Успенский номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейининг чет элда тахсил олаётган қалдирғочлари ҳам қатор муваффақиятларга эришди. Хусусан, том маънода лицей фахрига айланган, бугунги кунда фортепиано «қироли» дея эътироф этиладиган ҳамюртимиз Бекзод Абдураимов Лондондаги машҳур Ашкеладзе дирижёрлигидаги оркестр билан бирга Осие бўйлаб ўтказилган 2 ойлик гастроль сафарига қатнашиб, Ўзбекистонимизни ёш истеъдодларга нечоғлик бойлигини намойиш этди.

2009-йилнинг 26 октябрдан 4 ноябрга қадар лицейининг 70 йиллигига бағишланган тантанали концерт дастурлари бўлиб ўтди. Унда бу ерда ўқиган, бугунги кунда эса Буюк Британия, Германия ва АҚШнинг нуфузли мусиқа олийгоҳларида тахсил олаётган талабалар ўзларининг жозибадор композициялари билан иштирок этди. Айниқса, ҳозир Германияда ўқини давом эттираётган Улуғбек Полвоновнинг концерт дастури барчани бирдек ҳалқонга солди.

2010 йилнинг дастлабки кунларида Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи фаолиятини акс эттирувчи «Халқаро танловлар голиблари» номли китоб оммага тақдим этилади.

— Утаётган йил лицейимиз учун муваффақиятли бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, лицей директори Дилдора Жамолова. — 2009 йилда давлатимизнинг юксак мукофотини Оқсарой қароғоҳида Президентимиз қўлидан олар эканман, у нафақат меники, балки истеъдодли фарзандларни тарбиялаб воғая етказган ота-оналар, ушбу ниҳолларни асраб-авайлаб ўс-тирган фидойи ўқитувчиларники эканлигини юрак-юрагимдан ҳис қилдим. **Ўйлайманки, бу йилги ютуқлар кириб келаётган Баркамол авлод йилида бизга қанот бўлади, насиб этса, йўлимиз янада нурили, шуқули, қувончларга бой бўлади.**

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РОНАЛДУНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК БОЛАСИ

Ўтган ҳафтада футбол юлдузи Криштиану Роналду Ўзбекистонга келди. Унинг маҳоратини кўриш учун пойтахтимиздаги «Жар» стадионига тўпланган мухлислар бу сафар ўзгача томошанинг гувоҳи бўлишди. Чунки ҳар гал таникли футболчилар ўз «фитн»ларини намойиш этишарди.



Роналду билан майдонга чиқиб келаётган ёш болага бошида кўпчилик эътибор бермади. Аммо унинг майдонда тўпни турли усулларда маҳорат билан ўйнатишини кўриб нафақат стадиондагилар, балки Роналдунинг ўзи ҳам қарсақ чалиб юборди.

«Бунёдкор» футбол академиясининг 12 ёшли тарбияланувчиси Шоҳжаҳоннинг тўп ўйнатиш санъати ҳаммани лол қилди. У бажарган баъ

зи бир ҳаракатларни Роналду такрорлашга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ... Удалай олмади! Шоҳжаҳоннинг тўп билан бажараётган машқларини нафақат ўзимиздаги, балки Европанинг кучли клубларида ўйнаётган футболчилар ҳам удаллаши амри маҳол.

Илгари бизнинг ёшларимиз вилоят ёки республикамиздаги таникли футболчиларга ҳавас қилишарди, уларга ўхшашга интилишарди. Эндиликда эса Шоҳжаҳон каби иқтидорли болаларимиз жаҳон футбол юлдузлари билан тўп тепишяпти, улардек бўлишни ният қилишяпти.

Шоҳжаҳон Ҳасанов ва унинг тенгдошлари астойдил интилиш, устозлар ўғитига қатъий амал қилишса, жаҳон футбол юлдузлари сафидан ўрин олишига ишонамиз.

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ



Юлдуз ХАМРОКУЛОВА,
Жиззах политехника институтининг иқтисод факультети 4-босқич талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, «Шуҳрат» медали соҳибаси, шохмот бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси:

— Ўтган йил ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Аввало эркаклар ўртасида биринчи лига баҳсларида муваффақият қозонганлигимни алоҳида таъкидлашни истардим. Унда 13 имкониятдан 11 очко жамғариб, мусобақада биринчи ўринни эгалладим. Энди мен ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб эркаклар ўртасидаги мамлакат чемпионатида қатнашаман. Шунингдек, Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнирнинг аёллар мусобақасида бош совринга сазовор бўлганлигимдан беҳад бахтиёрман.

— Янги йилдан умидларим жуда катта. Бир неча йиррик халқаро турнирлар ташкилотчиларидан таклифномалар олдим. Шу йилнинг баҳорида Чехиянинг Прага ҳамда Мариански-Лазне шаҳарларида бўладиган шохмот мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қиламан. Юқорида айтганимдек, илк марта эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларида дона сураман. Йилнинг мен учун энг йиррик мусобақаси бу, шубҳасиз, Ханти-Мансийск(Россия)да сентабрда ўтказиладиган Бутунжаҳон шохмот олимпиадаси саналади. Мақсадим — ана шу нуфузли мусобақада кучлилар қаторидан жой олиш.



— Декабрь ойида мамлакатимиз ёш оғир атлеткачилари Дубай (Бирлашган Араб Амирликлари)да ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтган Осие чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ана шу муваффақиятга ўз ҳиссамни қўшганлигимдан хурсандман, албатта. Мусобақанинг 69 кг. вазн тоифасидаги иштирокчилари ўртасида ўтказилган даст ва силтаб кўтариш баҳсларида ҳам умумий ҳисобда олтин медалларни кўлга киритдим. Мазкур мусобақачага ўсмирлар ўртасида Осие рекорди даст кўтариш бўйича 135 кг., силтаб кўтаришда эса 165 килограммни ташкил этган экан. Мен бу рекордларни янгилашга муваффақ бўлдим. Даст кўтаришда 136, силтаб кўтариш бўйича эса 166 кг. натижаларни қайд этдим. Бунинг учун аввало устозим Жўрабек Зоировга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Бир неча кундан кейин навбатдаги ўқув-машғулотларга киришамиз. Чунки, бу йилда ҳам кўплаб йиррик мусобақаларда қатнашамиз. Сингапурда илк мартаба ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон Олимпияи ўйинлари ташкил этилади. Ана шу мусобақага саралаш баҳслари май ойида Тошкентда бўлиб ўтади. Унда Осие чемпионатида эришган ютугим тасодиф эмаслигини исботлашга ҳаракат қиламан. 2012 йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпияи ўйинлари саралаш баҳслари бўлганда, Ниятим ана шу нуфузли мусобақага йўлланмани кўлга киритишдир. Сентабр ойида Лондон олимпиадасига саралаш баҳслари қаторидан ўрин олган жаҳон чемпионати Анталия (Туркия)да ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО
ёзиб олди.


ЙИЛЛАР ҚУВОНЧИ, ОРЗУСИ

1. 2009 йил сизнинг ҳаётингизда қандай ўзгаришлар рўй берди?
2. 2010 йилдан нималарни кутмоқдасиз?

Ҳадия АБДУЛЛАЕВА,
Президент стипендианти:

— Ҳар бир йил киши хотирасида нимаси биландир ёдда қолади. Ўтиб бораётган 2009 йил менга кўплаб ҳаяжонли ва унутилмас воқеаларни олиб келди. «Бунёдкор ёшлар телеклуби»га аъзо бўлдим. Ўз лавҳа ва саҳифаларимни чиқара бошладим. Бир сўз билан айтганда, орзулар ижобатига йўрилган йил бўлди. Аслида орзу ҳам ўзи ҳавасдан тугилади. Болаликда мен газетани чиққан Президент стипендианти олган қиз ҳақида ўқиб, унга ҳавас қилганим. Йиллар ўтган сари бу мен учун мақсадга айланди. Бу мақсад самарасини эса 2009 йилда кўриш бахтига муяссар бўлдим. Бундан қувончим чексиз. Шунингдек, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан ўтказиладиган «Иқтидорли талабалар учун стипендия»си голиблари сафига қўшилдим. Мукофотлар қувонч, бахт улашиши билан бирга, одамга масъулият ҳам юклайди.

— 2010 йилдан кўп нарсаларни кутяпман. Аввало, менга билдирилган ишонччи оқлашга, билимимни оширишга, янги ғоя ва мақсадлар сари интилишга ҳаракат қиламан. Ҳозир «Ўзбекистонда интеллектуал кўрсатувларни пайдо бўлиши ва ривожланиши» мавзусидаги битирув малакавий ишим устида ишлаяпман. Ҳаммасига улгуришни хоҳлардим. Орзуси борнинг эртаси бор дейишгандек, мен танлаган йўлимда давом этмоқчиман.



Одил АХМЕДОВ,
Ўзбекистоннинг
2009 йилдаги
энг яхши
футболчиси:

— Ушбу йил мен учун анча яхши ўтди, дея оламан. Шахсий ҳаётимда катта ўзгариш содир бўлди. Оила кўрдим. Футболда ҳам бир қатор ютуқларга эришдим. Жамоа билан Ўзбекистон Кубогини кўлга киритдик. Шунингдек, Осие чемпионлар лигасида яхши ўйин намойиш қилдик ва чорак финалгача етиб бордик. Миллий чемпионатда эса таркибимиз ёшаргани учун бизга бир оз тажриба етишмади. Шу сабабли чемпионлик учун курашдан эртароқ чиқиб кетдик. Йил охирида ЎФФ томонидан журналистлар ўртасида ўтказилган сўроғга кўра, Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси деб топилганим мени жуда хурсанд қилди. Энди бу ишонччи оқлаш учун икки ҳисса фаол ўйнашга ҳаракат қиламан.

— «Пахтакор» ва миллий терма жамоа билан ғалабаларга эришишни, ўзбек футболни ва умуман, мамлакатимизнинг барча соҳалари янада ўсишини, жамоадошларим билан Ўзбекистон чемпионати, Кубогини ва Осие чемпионлар лигасида ишқибозларимизга қувонч улашадиган натижаларни тақдим этиш учун уринамиз. Умид қиламанки, Янги йил барчага омад ва бахт олиб келади. Имониятдан фойдаланиб, халқимизни кириб келаётган 2010 йил билан табриклайман!



Темур АЪЗАМ
тайёрлади.

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
Tahrir Hay'ati:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:	Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, 233-21-43 (Tel. Faks) Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUHBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 233-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-43 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:	Asror MO'MINOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.	Korxonasi manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.	Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob.
Gazeta seshaaba, payshaaba va shanba kunlari chiqadi.	«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 50	14810 nusxada bosildi
T — Tijorat materiallari	ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 18.15	Topshirilgan vaqti — 21.15
1 2 3 4 5 6 7 8	Sohuvda erkin narxda